МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган✸ 2013 йил 20 февраль. Чоршанба №15 (875)✸ www.mahallagzt.uz✸ info@mahallagzt.uz

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 февраль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг Европа ва Евроосиё бўйича қуйи қўмитаси раиси Дэйна Рорабахер ҳамда конгрессменлар Пол Кук, Тед По ва Брайан Хиггинсдан иборат делегацияни қабул қилди.**

Америкалик қонун чиқарувчилар гуруҳи мамлакатларимиз парламентарийлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар доирасида Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Конгресси делегацияси аъзоларини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, айни вақтда мамлакатларимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларни қамраган ҳамда миллий манфаатлар инобатга олинган, муштарак вазифаларни бажаришга қаратилган истиқболли икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади.

Томонлар давлатлараро миқёсда ва икки мамлакат ишбилармонлари доирасида узоқ муддатли Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдор эканликларини қайд этиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, илғор технологиялар ва мавжуд ресурсларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Конгрессменлар самимий қабул ҳамда икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни конструктив руҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Учрашувда узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш икки давлат ва халқларимизнинг туб манфаатларига мос келиши таъкидланди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш борасида кўрсатаётган ёрдами АҚШ томонидан юксак қадрланишини қайд этдилар.

ЎзА.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ОРТТИРИЛМОҚДА

**Юртимизда оила мустаҳкамлигини, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолини иш билан банд этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир.**

Бундай ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ўрни алоҳида. Демак, жамият ҳаётида тобора нуфузи ва мавқеи ортиб бораётган маҳалла институти фаолиятини янада яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг касб малакасини ошириш билан боғлиқ.

Ана шу жиҳатларни кўзлаб Фонднинг республика бошқаруви ташаббуси билан ташкил этилган икки кунлик ўқув-семинар **Бухоро шаҳрида** ҳам бўлиб ўтди. Фонднинг вилоят бўлими ҳамда шаҳар ва туманлар бўлинмаларининг 61 нафар ходимининг касб малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарда Юртбошимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган устувор вазифаларга ва «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарларида таъкидланган фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлари ижросини маҳалла тизимида амалга ошириш механизмлари ҳамда Фонд ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бевосита фаолият йўналишига оид вазифалар, айниқса, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш, «Ота-оналар университети» фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ахборот хуружлари ва «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари олдини олиш каби долзарб мавзуларда маърузалар ўқилди.

> [2]




## РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

Шайхонтоҳур туманидаги Янгиобод маҳалласида ўтказилган йиғилишда меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш ҳақида сўз борди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси — Фарида Абдураҳимова олиб борган тадбирда жойлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, касаначиликни янада кенг йўлга қўйиш орқали аёллар бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Бош вазир ўринбосари Э.Боситхонова иштирок этди.

**АНДИЖОН**

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими томонидан «Маҳалла институти: миллий демократик анъаналар ва қонунчиликни такомиллаштириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

**ҚАШҚАДАРЁ**

Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

# ИСТИҚЛОЛДАН НУР ОЛГАН ТОЛЕ

**Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муносиб турмуш шароитини яратиб беришдек эзгу мақсадлар мужассам.**



Муҳтарам Юртбошимизнинг Фарғонага қилган ташрифи чоғида вилоятимиздаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига берган юксак таърифи фарғоналикларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Бу ташриф эзгу мақсадлар, орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришга ундади.

Мен мазкур йиғилишда иштирок этиб, Президентимизнинг одамлар тақдири, юртимизнинг бугуни ва истиқболи ҳақидаги узоқни кўзлаб аниқ мисол ва таҳлиллар асосида айтган фикрларидан фахрландим. Юртбошимиз ташаббуси билан қурилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жой массивлари ва ижтимоий инфратузилма объектларини яхлит тарзда барпо этиш бўйича самарали тизим яратилгани аҳоли турмуш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишлар мен меҳнат қилаётган Зоҳидон шаҳарча фуқаролар йиғини фаолияти, одамлар турмушдаги туб ўзгаришлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Ҳудудимизда 19 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йилнинг ўзида 48 та ёш оила намунавий лойиҳа асосида қурилган, барча шарт-шароитлар билан таъминланган янги уйларга кўчиб ўтди.

Обод турмуш йилида ана шундай замонавий уй-жойлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу ерда яратилган шароитларни кўрган катта-кичик юрт истиқболига шукроналар айтиб, бу уйларни фахр билан «Президент уйлари», деб аташмоқда. Кейинги уч йил мобайнида вилоятимиздаги 1 минг 325 та оила шаҳар шароитидан кам бўлмаган уй-жойларга эга бўлганининг ўзи ҳам юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасидир. Жорий йилда вилоятнинг 29 та массивида 700 та намунавий лойиҳадаги уй-жойни сифатли қуриб битказиш режалаштирилмоқда.

> [2]

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

# АҲДИ ҚАТЪИЙ ЙИГИТНИНГ ИШОНЧИ ҲАМ МУСТАҲКАМ



**Ватан ҳимоясига шай бўлиш — ҳар бир йигитдан талаб этиладиган юксак масъулият. Ҳарбий хизматни шараф билан ўташ, жонажон Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаш — муқаддас бурч.**

Ҳарбий бўлиш орзуси кўксида жўш ураётган ёшлар эса юрт таянчи. Юртбошимизнинг одилона сиёсати туфайли мазкур соҳа тубдан ўзгарди: замонавий ва ихчам, кучли армия ташкил этиш, сержант ва офицерларнинг жанговар қобилияти, маънавий дунёқараши, интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Қолаверса, ўсиб келаётган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий хизматта тайёр ҳолга келтириш юзасидан ҳам кўпгина самарали натижаларга эришилди.

Бу эзгу ишларнинг амалга ошишида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаолларининг хизмати алоҳида. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ маҳаллаларда ҳам бир қатор тадбирлар уюштирилаётир.

> [2]

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

# МАСЪУЛИЯТ ВА МАҲОРАТ БИРДЕК ЗАРУР

**Бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий, сиёсий, тиббий маданиятини оширишда, оилалар тинчлиги, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.**

Катта ҳаётий тажрибага эга, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ўзининг ижобий таъсирини ўтказа оладиган маслаҳатчилар саъй-ҳаракати билан ўтган йили Бухоро вилоятида 446133 та оила ўрганиб чиқилди. Натижада моддий ёрдамга муҳтож 6795 та оила аниқланиб, 5806 тасига фуқаролар йиғини ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан 323 миллион 400 минг сўмлик моддий ёрдамлар тайинланди. Ҳамкор ташкилотлар кўмагида 1650 нафар ишсиз аёл рўйхатга олинди. Айни пайтда янги иш ўринлари яратиш юзасидан бандлик дастури асосида иш олиб борилаётир.

2012 йил мобайнида кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш юзасидан аёллар учун 30389 та, шу жумладан, саноатда 1959 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 24632 та, қурилиш пудрат ишларини кенгайтиришда 256 та, якка ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан эса 3542 та иш ўрни ташкил этилди.

Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар билан бирга туман ва шаҳарларда режа асосида маслаҳатчилар учун ўқув-семинарлари, эрта турмушнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, репродуктив саломатлик бўйича семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Шунга қарамай, тизим фаолиятида қайд этилаётган баъзи бир кўрсаткичлар маслаҳатчилар олиб бораётган ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини билдиради. Хусусан, вилоятда профилактик ҳисобга олинган нотинч оилалар сони ўтган йилга нисбатан камайган бўлса-да, бу кўрсаткич Ғиждувон туманида 6 тага, Когон туманида 5 тага, Бухоро туманида 4 тага, Қоракўлда 3 тага кўпайган.

Табиийки, нотинч оилалар сони ошиши оилавий ажримларнинг кўпайишига олиб келади. Чунончи, ўтган йили бу кўрсаткич Бухоро шаҳрида 112 тага, Вобкент туманида 21 тага, Қоракўл туманида 16 тага, Бухоро туманида 14 тага, Когон туманида 8 тага, Қоровулбозорда 7 тага, Когон шаҳри ва Пешку туманида 5 тага, вилоят бўйича эса 172 тага ошган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, улар учун барча шарт-шароитлар яратиш ҳар жиҳатдан устувор мезон сифатида белгиланган. Аммо ёшларнинг маънавий камолоти, аввало, уларнинг оилавий муҳити, ўз ота-оналаридан олган тарбиясига ҳам боғлиқлигини унутмаслик жоиз. Шундай экан, бола вояга етаётган нотинч оила ёхуд ота-оналар ажрими унинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаслигига ким кафолат беради?

Фаолияти танқид қилинган ҳудудлардаги маҳалла маслаҳатчилари, яраштириш комиссиялари ва жамоатчилик комиссияларининг аъзолари ҳамда фонд бўлинмаларидаги мутасаддилар масалага шу нуқтаи назардан ёндашишса мақсадга мувофиқ бўларди.

> [2]

ЭЪТИРОФ

# ҲАЙРАТ ВА МЎЪЖИЗАГА ЙЎҒРИЛГАН ДИЁР

**Мустақиллик барча соҳалар қаторида сайёҳлик тармоғи ривожига ҳам қанот бағишлади. Истиқлол шарофати билан тарихий, маданий ёдгорликлар бугун дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюраётган сайёҳлар учун доимо очиқ.**



«Очиқ осмон остидаги музей», «Шарқ гавҳари», дея эътироф этилган Хоразм маркази, қадимий ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари меҳмонларни ҳайратта солиши тайин.

— Хивадаги Ичанқалъани кўриб, гумбазлар, осмонўпар миноралар орасида ўзимни худди «Минг бир кеча» эртакларидаги мўъжизалар оламига тушиб қолгандай ҳис этдим, — дейди Ҳиндистондан ташриф буюрган сайёҳ Лилия Бхарман. — Бир-бирига туташиб кетган мафтункор обидалар киши хаёлини узоқ ўтмишга етаклайди. Нақшинкор бинолар, сержило гумбазлар гўзалликка ташна ҳар бир қалбни ўзига ром этади. Орадан қанча асрлар ўтса-да, ўзининг асл қиёфасини йўқотмаган халқ меъморчилиги ёдгорликлари бетакрорлиги билан хорижлик сайёҳлар ҳавасини келтиради.

— Кўп мамлакатларда бўлдим, — дейди германиялик сайёҳ Георг Битцман. — Аммо Хивадай шаҳри азимни илк бора кўришим. Ҳайратимни яшира олмайман. Айрим обидалар салобати, кўрки, чиройи хотирамда бир умр муҳрланиб қолди. Ичанқалъада юздан зиёд ёдгорликлар, йигирмадан ортиқ музей, ўнлаб кўргазмалар мавжуд. Уларнинг ҳаммасини бир кунда томоша қилишга улгуриш қийин экан. Айниқса, шаҳарга туташиб кеттан маҳалла гузарлари қадимий воҳанинг замонавий манзарасини акс эттиради.

— Хива чиндан ҳам ҳайрат ва мўъжизалар шаҳри, — дейди Франция-Марказий Осиё «Дўстлик» гуруҳи раиси Андре Дюле Мен. — Бу гўзал шаҳарга 33 йил муқаддам келган эдим. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, катта ўзгаришлар бўлганини кўрдим. Аввалги шаҳар билан ҳозиргиси тамомила фарқ қилади. Қадимий обидалар қайта таъмирланиб, асл ҳолида сақланаётгани мени қувонтирди. Янгидан қад ростлаган замонавий бинолар, хиёбонлар, гулзорлар эса Хива кўркига кўрк қўшиб турибди. Мен Хива тимсолида мустақил Ўзбекистон тобора гуллаб-яшнаб, келажакка дадил қадам ташлаётганига амин бўлдим.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли кўҳна воҳа ўзининг асл қиёфасига эга бўлди. Айниқса, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Хива шаҳри ҳаётта қайтадан кўз очди. Эндиликда сайёҳлар шаҳарни ранг-баранг чироқлар ёғдусида оқшомлари ҳам бемалол томоша қилиш имконига эга бўлдилар.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ОРТТИРИЛМОҚДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

— Фонд Республика бошқаруви масъул ходимлари, вилоятимиздаги таниқли олимлар, ҳуқуқшунослар, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси ҳамда мутахассислар томонидан интерактив усулда ўтказилган машғулотларда соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича зарур тавсияларни олдик, — дейди Фонднинг вилоят бўлими мутахассиси Мирзафар Турсунов. — Эндиликда семинарда берилган тавсияларга амал қилган ҳолда маҳаллалардаги оилалар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик таъсиридан асраш, оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун уларни тадбиркорликка жалб этиш ва бу борада тегишли услубий ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатишга доир ишларимизни янада кучайтирамиз.

**Жиззах шаҳрида** ўтган ўқув-семинарда Фонднинг Жиззах вилояти бўлими бошқаруви, шаҳар ва туман бўлинмаларидан жами етмишдан зиёд ходим касб малакасини оширди. Ўқув-семинарнинг иккинчи кунида фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини самарали ташкил этиш, фуқаролар йиғинлари томонидан нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги масалаларни амалга ошириш тартиб-тамойиллари ҳақида сўз юритилди.

— Ўқув-семинарларда фуқаролар йиғинлари қошидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси фаолиятига эътибор қаратилиб, эҳтиёжманд оилаларни ҳисобга оладиган, уларга ҳар ойлик моддий ёрдам, вояга етмаган болалари бор оилаларга, икки ёшгача бўлган бола парвариши билан банд оналарга ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлашдаги янги тартиб ҳақида берилган маълумотлардан кўплаб саволларга жавоб топдик, — деди Фонднинг вилоят бошқаруви ҳисобчиси Аҳрор Пардаев. — Негаки, бу тартиб борасида жойларда тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, баъзан камчилик ва хатоликларга йўл қўйилаётгани кузатилаётган эди.

Семинар иштирокчиларига Фонднинг қуйи тузилмалари томонидан фуқаролар йиғинларига услубий кўмаклашиш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ваколатли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

**Гулистон шаҳрида** ўтказилган ўқув-семинарда Фонднинг Сирдарё вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмаларидан элликдан зиёд ходим иштирок этди. Машғулотларда фонд ходимларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини оширишга эътибор қаратилди.

— Ўқув-семинар пайтида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда фуқаролар йиғинлари фаоллари билан профилактика инспекторлари ҳамкорлигини янада кучайтиришга оид тавсиялар берилди, — дейди Фонднинг вилоят бўлими мутахассиси Умид Азаматов. — Фонд ходимларининг билим ва савиясини оширишга қаратилган бундай ўқув-семинарлар, албатта, ўз самарасини беради.

Фонднинг **Навоий вилояти** бўлим ва бўлинмаларидан мазкур тизимда фаолият юритаётган олтмиш нафарга яқин мутахассислар ўқув-семинарларда фаол қатнашди.

Семинар доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг янги таҳрирдаги Устави ҳамда Фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмалари тўғрисидаги Низомида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш масалаларига ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳужжатларни тўғри юритишда самарали услубий ва амалий кўмаклашиш масъул котиблар зиммасига катта масъулият юклайди. Мазкур ўқувлар бўлим ва бўлинмаларнинг масъул котиблари учун тажриба мактаби бўлди, — дейди Фонднинг Қизилтепа тумани масъул котиби Анвар Ҳусанов. — Малакали мутахассислар ўз маърузаларида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми ва ишни ташкил этиш масалалари хусусида тўлиқ тушунчалар берди. Биз эндиликда фуқаролар йиғинлари масъул котибларига мазкур йўналишда услубий кўмаклашишга тайёрмиз.

**Тошкент шаҳрида** бўлиб ўтган ана шундай тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар ва туман бўлинмаларидан олтмишдан зиёд раҳбар ҳамда ходимлар иштирок этди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада жонлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя, муаммоларни жойларда одилона ҳал қилишда маҳалла фаолларининг масъулиятини ошириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Семинар доирасида ўтказилган ўқув машғулотларида соҳага оид қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар хусусида иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Ҳозирда Тошкент шаҳрида 476 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилалар, кекса ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ихчам, камхарж ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Маҳаллалар фаолиятига қаратилаётган алоҳида эътибор самараси ўлароқ мазкур бўғиннинг турли муаммоларни ҳал этишдаги роли ортиб бормоқда, — дейди Фонднинг Яккасарой тумани бўлинмаси раиси Аҳрор Ғуломов. — Ўқув-семинар давомида олдимизда турган долзарб вазифалар ҳамда амалга оширилаётган ишларимизда йўл қўйилаётган айрим камчиликларни билиб олдик. Келгусида бўлинма томонидан бажариладиган юмушларда, ўйлаймани, фаоллик, ташаббускорлик янада ортади.

Семинар якунида иштирокчиларнинг ўқув-машғулотларида олган малакаларини аниқлаш мақсадида савол-жавоб ва тест синовлари ўтказилди.

Бугун Фонднинг Тошкент вилояти бўлими ва бўлинмалари ходимлари учун икки кунлик ўқув-семинарлари бошланди.

**Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

ҚОНУН МОҲИЯТИ

# ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ ВА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

**Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида хусусий мулк ҳимоясини мустаҳкамлаш борасида бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.**

Шундан сўнг Конституциямиз асосида хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасига доир муносабатларни янада такомиллаштириш ва тартибга солиш мақсадида 2012 йил 24 сентябрда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Қонун 4 та боб, 29 та моддадан таркиб топган.

Мазкур қонунга кўра, хусусий мулк — шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулки ҳисобланади. Фуқаролар хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига эга.

Мамлакатимизда хусусий мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида, давлат хусусий мулкнинг сақланиши ва кўпайтирилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратади.

Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишда мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкидан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак. Барча мулкдорлар мулк соҳасидаги ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароитлар билан таъминланади.

Мулкдор хусусий мулкка муддатсиз эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда қопланади.Хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Хусусий мулк хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш, хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши, бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш каби масалалар давлат рўйхатидан ўтказиш орқали ҳимоя қиланди.

Шунингдек, зарарнинг ўрнини, маънавий зиённи қоплаш, хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш, давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги ва мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини тасдиқлаш учун ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш лозим бўлади.

Мулкдорнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тортиб олинишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга хилоф равишдаги аралашув тақиқланади.

Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни давлат ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланади. Давлат органлари ва бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Мулкдор давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, ўз хоҳишига кўра, бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат этганида давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўлолмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимояси мустаҳкамланган, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига шубҳа қилмайдиган ишончли кафолатлар тизими яратилган, дейишимизга асослар мавжуд.

**Ж.САДИНОВ,**
**Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси масъул ходими.**

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

# ИСТИҚЛОЛДАН НУР ОЛГАН ТОЛЕ



< [1]

Аҳоли зич жойлашган Зоҳидонда собиқ шўролар даврида бир хонадонда уч-тўртта оила яшарди. Истиқлол туфайли аҳолига уй-жой, томорқа хўжаликлари учун ер майдонларининг ажратиб берилгани ҳам оилалар фаровонлиги, маҳаллалар ободлиги, дастурхонлар тўкинлигини таъминламоқда.

Истиқлол шарофати билан шаҳарча фуқаролар йиғинидаги 1900 тадан ортиқ оилага уй-жой ва томорқа хўжаликлари учун ер майдони ажратилди. Бу ерда томорқадан унумли фойдаланилади, бир йилда уч-тўрт марта ҳосил етиштирилади. Ўтган йилнинг ўзида томорқадан олинган даромадлари ҳисобидан 50 тадан зиёд хонадон соҳиблари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий машиналарга эга бўлишди.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик, хусусий бизнес, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Айни кунда ҳар бир маҳалла ҳудудида маиший хизмат шохобчалари очиш, «Мамажон» фермер хўжалиги негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини қуриш қизғин паллага кирган.

Ўтган йили «Узун кўча» ва «Мевазор» маҳалла гузарлари қурилиб фойдаланишга топширилди. «Мевазор» маҳалласида 1,5 километрга табиий газ қувури тортилди, 2 километр йўл асфальтланди.

Президентимиз нутқи Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболдаги вазифаларини белгилаб бергани билан аҳамиятлидир. Айниқса, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, вилоят маркази — Фарғона шаҳридаги кенг кўламли қурилишлар, барпо этилган дам олиш масканлари, замонавий ҳалқа йўллар, аквопарк, муҳташам санъат саройи, футбол майдонлари, чўмилиш ҳавзалари, фавворалар — барчаси аҳоли хизматда.

**Эркинжон АБДУЛЛАЕВ,**
**Риштон туманидаги Зоҳидон шаҳарча фуқаролар йиғини раиси.**

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

# АҲДИ ҚАТЪИЙ ЙИГИТНИНГ ИШОНЧИ ҲАМ МУСТАҲКАМ

< [1]



— Бу сафар маҳалламизда истиқомат қилаётган тўққиз нафар чақирилувчини муддатли ҳарбий хизматга кузатишимиз керак, — дейди Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳакимжон Умиров. — Шу мақсадда қатор тадбирларни ташкил этяпмиз. Бу борада бизга «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими кўмаклашмоқда. Уларнинг ёрдамида ҳарбийлар ҳамда олимлар билан учрашувлар ўтказдик. Чақирилувчиларга маҳалламиз ҳудудида фаолият юритаётган «Иродат текс», «Бетон қурилиш сервис», «Мобис» автосервис корхоналари томонидан ҳомийлик совғалари топширилди. Биласизми, чақирилувчиларнинг руҳи тетик, кайфияти юқори. Муддатли ҳарбий хизматга кетаётган Жавлон Халиловни кузатар эканмиз, орзулари бисёр эканини сўзларидан сездик. «Имтиёз билан қайтиб, олий ўқув юрти талабаси бўламан, Президентимиз биз ёшларга яратиб берган имкониятлардан унумли фойдаланаман», дейди у. Туман мудофаа бўлими билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Отаси иккинчи гуруҳ ногирони бўлган Абдураҳмон Абдивоҳидовни кейинги чақирувга қолдиришмоқчи бўлишганида маҳалла фаоллари билан бориб, чақирув комиссияси аъзоларига унинг оиласи ҳолидан хабар олиб туришимизни айтдик. У ҳам ҳарбий хизматни ўташга кетяпти.

Маҳалла ёшларининг ҳарбий хизматга шайлигини ошириш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини кучайтириш мақсадида ҳудудда тўртта спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилган. Улар мазкур замонавий шарт-шароитларга эга иншоотларда спортнинг кўпгина турлари бўйича ўз маҳоратини ошириб, ҳарбий хизматга йўл олишади. Шундай саъй-ҳаракатлар самараси туфайли белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлаётган олти нафар ҳарбий хизматчи олий ўқув юртига кириш учун энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёз билан тақдирланиш арафасида. Уларнинг номига тавсифномалар ёзиб беришибди.

— Она-Ватанимнинг тинчлигини асрашга масъул бўлганим менга кўтаринки руҳ бағишлади, — дейди чақирилувчи Абдураҳмон Абдивоҳидов. — Маҳалла томонидан ташкил этилган тадбирларда иштирок этган ҳарбийларнинг кўзларидаги ишонч, сўзларидаги қатъиятни кўриб, шу озод ва обод Ватан фарзанди эканлигимдан ғурурландим. Ўзингиз ўйланг, қайси давлатда чақирилувчиларни армия сафига шундай ҳурмат-иззат билан кузатишади? Берилаётган совға-саломлар, ҳатто ҳомийлар томонидан чақирилувчиси бор кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатилаётгани халқимизнинг саховатпешалигига далолатдир. Мен ҳам хизматни эсон-омон ўтаб, ота-онамнинг, маҳалла-кўйнинг юзини ёруғ қиламан. Келажакда ҳарбий бўламан.

Ҳа, ҳарбийлик улуғ касб, аскар бўлиш ҳам шарафли. Уларни эъзозлаш эса нафақат маҳалланинг, балки барчамизнинг вазифамиздир.

**Баҳодир ҲАЛИМОВ.**

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

# МАСЪУЛИЯТ ВА МАҲОРАТ БИРДЕК ЗАРУР

< [1]

Вилоятда сўнгги йилларда хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликнинг ортиб бораётгани ғоятда ачинарли. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 88 тага кўпайиб, ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганида Бухоро шаҳрида 110 тага, Олот, Ғиждувон туманларида 15 тага, Когон шаҳрида 12, Вобкентда 10 тага ошгани кузатилган.

Вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар эса Қоракўл туманида 4 тага, Бухоро туманида 2 тага, Ромитанда 2 тага, Қоровулбозор туманида эса 1 тага ортган. Ахир, бу ёшда ўсмирлар зарур билимларни эгаллаб, болаликнинг бахтиёр дамлари лаззатини туйишлари керак эмасми?! Ёхуд ҳаётининг олтин палласида уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишидан маҳалла-кўй, жамоатчилик бехабармиди?!

Хўш, вазият нега бу қадар ёмонлашди?

Гап шундаки, муаммонинг илдизи айрим маслаҳатчилар ҳамда фонднинг баъзи бўлинмаларидаги масъул шахсларнинг ўз ишига масъулиятсизлиги, бефарқлигида. Бу каби лоқайдлик оқибатларини юқоридаги маълумотлар ҳам кўрсатиб турибди.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иш услубларини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ўрганишлар натижасида Жондор туманидаги «Навгади», «Қоровул», «Пахтакор» маҳаллаларида маслаҳатчилар учун барча шароитлар яратилганига қарамай, уларнинг иш режаси маҳалла раиси томонидан тасдиқланмаган. Режада белгиланган тадбирлар бажарилмаган, оилалар паспорти ҳақидаги маълумот тайёрланмаган. Маслаҳатчиларнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясига доир қабул қилинган барча қонун, қарор ва фармонлар бўйича чора-тадбирлар, дастурлар мониторинги юритилмаган. Маслаҳатчилар фаолияти тўғрисидаги низомга мувофиқ, ҳар чоракда йиғин раисларига ҳисоботлар тақдим этилмаган, оилаларни ўрганиш дафтари белгиланган тартибда юритилмаган.

Шу тумандаги Пўлати қишлоқ фуқаролар йиғинида норасмий никоҳ 6 тани, «Қовчин» маҳалласида 5 тани ташкил этиши ҳам маслаҳатчиларнинг ўз ишига совуққонлик билан ёндашганини кўрсатади.

Биргина Жондор туманида эмас, балки Вобкент туманининг «Дўстлик», «Шифокор», «Чармгарон», «Работохун» маҳаллалари маслаҳатчилари ҳам яратилган барча зарур шарт-шароитларга қарамай, шу тарзда иш тутишган. Маслаҳатчи иш режаси маҳалла раиси томонидан тасдиқланмаган, ўтказилган тадбирлар юзасидан баённомалар етарлича тўлдирилмаган.

Агар яна мисолларга мурожаат қилсак, «Шифокор» маҳалласида нотинч оила сони 5 тани, «Работохун»да 4 тани, норасмий никоҳ 1 тани, «Дўстлик» маҳалласида нотинч оила сони 3 тани, оилавий ажрим 1 тани, аёллар жиноятчилиги 1 тани ташкил этганлигини қандай тушуниш мумкин? «Чармгарон» маҳалласида ҳам оилавий ажрим, аёллар жиноятчилиги, диний экстремизмга мойил шахсларнинг қайд этилганига қарамай, улар билан етарлича иш олиб борилмаганлиги кузатилган.

Пешку туманининг «Сусана», «Ўзбек», «Талисобун», Навоий номидаги маҳаллаларнинг маслаҳатчилари фаолиятидан ҳам шундай ҳолатларни кўриш мумкин. Жумладан, «Сусана» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг иш ҳужжатлари талаб даражасида юритилмаган. Бу хотин-қизлар ўртасида диний экстремизм, жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тузилган режа мониторингида 74 нафар кам таъминланган оила, 4 нафар ногирон билан олиб борилган ишлар таҳлилида яққол ифода этади.

— Фаолиятимиздаги бу каби камчиликлардан тегишли хулоса чиқаришимиз зарур, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Кароматт Мақсудова. — Ҳозирда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларимизга низомда белгиланган вазифалар моҳияти ва амалиёти борасида зарур услубий тавсиялар берилмоқда. Уларга хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, маҳаллада соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш кўп жиҳатдан ўзларининг билими, ташаббускорлиги ва фидойилигига боғлиқлиги тушунтирилмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятимизда кечаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бўғини бўлган хотин-қизлар билан ишлаш фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларидан юксак масъулият ва маҳорат талаб этади. Юқорида зикр этилган камчиликлардан эса фаолияти танқид қилинган айрим маслаҳатчилар, қолаверса, уларга ҳам услубий, ҳам амалий кўмак беришни асосий вазифаси деб билган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмаларининг мутасаддилари тегишли хулоса чиқаради, деган умиддамиз.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

# ЭЛ ДАСТУРХОНИНИНГ НОЁБ НЕЪМАТИ

**Халқимиз луқмаи ҳалол атайдиган балиқ гўштини севиб истеъмол қилмайдиган киши орамизда топилмаса керак. Балиқчиликни ривожлантиришда Жиззах вилоятида имкониятлар катта.**



Республика ҳукуматининг «2009-2011 йилларда республикада балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури» асосида Айдаркўл — Арнасой, Тузкон кўлларида балиқчиликни ривожлантириш, Ғаллаорол, Жиззах, Арнасой, Бахмал, Зомин, Зарбдор, Мирзачўл, Пахтакор туманларида балиқ етиштирадиган сунъий сув ҳавзалари барпо этиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётир.

Биргина ўтган йилда 730,1 гектар сунъий, 1 минг гектар табиий сув ҳавзаларида 49 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Йил давомида сунъий сув ҳавзаларидан 1,1 минг тонна, табиий кўллардан 2 минг 299 тонна, жами 3 минг 300 тонна балиқ тутилди. Янги барпо этилган сунъий сув ҳавзаларига 565 минг дона балиқ чавоғи ташланди. Балиқ овлашдаги ўсиш 216 фоизни ташкил этди.

Балиқчиликни кучайтириш қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Янги балиқчилик хўжаликларининг барпо этилиши ҳисобига 112 та иш ўрни яратилди.

Ғаллаорол туманидаги «Мандарин кристалл» хусусий корхонаси жамоасини вилоятда кўпчилик яхши билади. Жамоа аҳоли дастурхонига янги тутилган балиқ етказиб беришга салмоқли улуш қўшиб келаётир. 2006 йилда Тузкон кўлининг 1 минг 250 гектар сатҳини ижрага олиб иш бошлаган корхона балиқ овлаш ҳажмини йил сайин ошираётир. Олти кишидан иборат бу балиқчилар жамоаси 2011 йилда 27 тонна балиқ тутган эди. Ўтган йили эса, 40 тонна 380 килограмм балиқ овлаб, истеъмолчиларга етказди.

— Балиқ тутиш ҳажмини кўпайтиришга ов ҳудудини кенгайтирмасдан эришдик, — дейди корхона раҳбари Абдужаббор Бойматов. — Ўзини ҳақиқий балиқчи ҳисоблаган одам табиатнинг бу бебаҳо неъматидан расамади билан фойдаланади. Балиқ тутиш ҳажмини оширишга унинг уруғини кўпайтириш орқали эришаётирмиз. Ҳар йили кўлдаги ҳудудимизга 600-650 килограмм балиқ чавоғи ташлаймиз. Ўтган йили 679 килограмм чавоқ ташлаган эдик. Ҳозир уларни омухта ем билан озиқлантириб, ривожланишини кузатяпмиз.

Инсофи борнинг баракаси бор, деганларидек, табиат бойлигидан тежаб-тергаб фойдаланаётган балиқчиларнинг даромади йил сайин кўпаймоқда. Ҳар йили 7-8 миллион сўм атрофида соф даромад топаётган жамоа балиқчилик хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаётир. Ҳозир корхона 2 та моторли, 2 та моторсиз қайиқ, балиқчилар учун иккита вагон-уй олди. Бошқа жиҳозлари ҳам етарли.

— Балиқ табиатдаги энг тоза жонивор, ғирромликни, алдовни кечирмайди, — дейди тажрибали балиқчи Мавлон Мусаев. — Кўл ҳар қанча кенг бўлмасин, балиқ захираси битмас-туганмас эмас. Шунинг учун меъёрга қатъий риоя қилиш, балиқ сонини мунтазам кўпайтириш керак. Шунда табиий мувозанат сақланади. Кейинги йилларда балиқчиликни ривожлантиришнинг шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Яна бир муҳим гап. Балиқ озуқаси таъминоти ҳам эътиборда. Балиқчилик хўжаликларини таъминлаш учун «Жиззахдон», «Дўстликдон» очиқ акциядорлик жамиятлари корхоналарида оқсилга бой омухта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Балиқчиликни ривожлантиришдаги бу ҳамкорликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этаётир. Ҳозир барча фуқаролар йиғинлари қошида табиатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялар, махсус ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Улар экологик меъёрларнинг бузилмаслиги, экологик қонуниятлар талабларига риоя этилишини назорат қилишда фаол иштирок этиш билан бирга ҳудудларида балиқчилик бўйича янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга оширишда ҳам ташаббускор бўлишаётир.

— Ўтган йили ҳудудда сунъий сув ҳавзасида балиқ етиштириш бўйича 8 та лойиҳа амалга оширилиб, бу соҳа билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони 16 нафарга етди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фориш тумани бўлинмаси раиси Шавкат Эшонқулов. — Яқин йилларгача четдан келтириладиган балиқ бугун сероб маҳсулотга айланди. Бу йил яна тўртта балиқчилик хўжалиги ташкил этиш режалаштирилган. Бу ишни йўлга қўйишда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этаётир.

Элимиз дастурхонини табиатнинг ноёб неъмати — луқмаи ҳалол билан тўлдириш учун туманларда имкониятлар бор. Обод турмуш йилида бу тармоқни янада ривожлантириб, элимиз дастурхонини фаровон қилишга бел боғлаганлар сафи тобора ортиб бораётир.

Бек НАЗАР.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Кенжа момо тўнғич фарзандининг тақдиридан кўп куйди. Ёшлигида касалманд бўлгани учунми, эҳтиётлаб вояга етказди. Ўғилнинг айттани айттан, дегани деган эди.**

Бирор марта раъйи қайтмаган ўғил ўзбошимча бўлиб улғайди. Уйланганида ҳам эси кирмагани боис кунларнинг бирида жиноятга қўл урди.

Унинг қўлига кишан уриб олиб кетишаётганида момонинг устига осмон қулагандек бўлди. 6 ой қандай ўтганини билмайди. Тўрт қизнинг — невараларининг боши эгилди-қолди. Момо буларнинг ҳаммасига ўзини айбдор ҳис этар, неваралари ва келинининг юзига тик қаролмай қолганди.

Яқинда ўғил амнистия туфайли оиласи бағрига қайтди. Кенжа момо одил ҳукуматимизни, Президентни алқайди, кўзида ёш билан дуо қилади.

Момонинг ўғли қамоқдан қайтгани ҳақидаги хабар бир зумда маҳаллага ёйилди. Ҳол-аҳвол сўраб келганлар олдида ўғил ичидан зил кетди. Маҳалладошларининг кўпларини яхши танимайди ҳам. Онаси ва хотинининг айтишича, у қамоқдалигида қўни-қўшнилар доим хабар олиб туришган, маҳалла моддий ёрдам кўрсатган.

— Озодликнинг қадр-қимматини ундан маҳрум бўлганингда ҳис этарқансан, — дейди шаҳрисабзлик Бахтиёр Тожихонов. — Билиб-билмай жиноятга қўл урганим учун 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилгандим. Олий Мажлис Сенатининг қарорига кўра амнистияга тушиб, уйимга қайтдим. Бунинг учун Президентимизга мингдан-минг раҳмат.

Бахтиёр Тожихонов туманнинг «Зингирон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Қўлида яхшигина ҳунари бор. Йиғин фаоллари унинг кўнглига қўл солиб кўришди. Туман бандликка кўмаклашиш марказига рўйхатга ёздириб қўйишгани, иш топилса хабар қилишларини айтишди. Бундан Бахтиёр жуда хурсанд бўлди, маҳалладошларининг меҳрибончилигидан боши кўкка етди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига кўра, туманимиздан ҳозиргача 12 нафар киши озодликка чиқди, — дейди Шаҳрисабз тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори Шерали Жўраев. — Муддатидан олдин озод этилганларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ишга жойлаштириш, жиноят кўчасига қайта оёқ босмаслик учун олиб бориладиган чора-тадбирларда маҳалланинг таъсир кучидан фойдаланяпмиз. Зеро, бошқа ҳеч бир ташкилот ёки тузилма маҳаллачалик инсоннинг қалбидан жой ололмайди, кишига қадрдонларча беғараз кўмак кўрсатолмайди. Жазони ўташ муассасаларидан қайтаётганларнинг ҳаётда яна ўз ўрнини топиб кетишлари, айниқса, ҳудудларда қонунбузилиши ва жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларнинг учрамаслиги учун фуқаролар йиғинлари, маҳалла-кўй кўмагига таяняпмиз.

Афв қилинганлар орасида «Мўминобод» маҳалласидаги Бегми қишлоғида яшовчи Улуғбек Бектошев ҳам бор. У эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Умрининг 6 ойи жазони ўташ муассасасида ўтди. Айни пайтда оиласига қайтганидан шод.

Дарҳақиқат, инсонпарвар жамиятимизда бағрикенглик, кечиримлилик асосий тамойиллардан. Амнистия туфайли тўғри йўлдан адашган ёки жиноят кўчасига кириб қолган кишиларнинг ҳаёти қайта изга тушаётир. Бундай бағрикенглик ва ғамхўрлик оғушида яшаш нақадар юксак бахт.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

# АРАЗЛАГАН КЕЛИН УЙИГА ҚАЙТДИ

**Келинини атай дарсдан кеч келди, деб ўйлаган Мастура аянинг жаҳли босилай демасди. Ўғлининг уйидаги нарсалардан баъзиларини сотмоқчилигини эшитиб, баттар жазавага тушди.**



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Хотинчангнинг ўқиши, деб энди уйнинг баракасини учирмоқчимисан? Шунга уйланма, дедим, «севаман-ўламан», деб туриб олдинг. Ҳали бунингга яна икки йил шартнома пулини ҳам тўлаш керакми?

— Ойи, нега тушунмайсиз? Ҳозирча шартномани тўлайлик, кейин ҳаммасини жойига қўяман.

— Йўқ дедимми, йўқ. Шунча пулга яна хотин олса бўлади, — деди Мастура ая.

— Унда келин қилманг эди-да, — деди келини ҳам йиғламсираб бир гапдан қолмай. — Худди мен уйингизга ўзим келиб ўтириб олгандай.

Шундоқ ҳам қони қайнаб турган қайнонага келиннинг бу «бетгачопарлиги» оғир ботди...

Ўша жанжалдан сўнг келин аразлаб ота уйига кетиб қолди. Бу чигал масала фуқаролар йиғини мутасаддиларининг эътиборидан четда қолмади.

— Оилада тотувлик йўқолса, хотиржамлик ҳам бўлмайди, — дейди Миробод тумани «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Холида Охунова. — Мастура аянинг ёнига ўзим бориб, ҳаётий мисоллар билан ҳаммасини тушунтирдим: маҳалламиздаги Очиловлар хонадонида уч нафар келин шартнома асосида ўқитилгани, бугунги кунда бири ўқитувчи, бири шифокор, бири ҳисобчи бўлиб ишлаётгани, улар ҳудудимиздаги энг намунали оилалардан бири эканини алоҳида таъкидладим. Биттагина келинингизни ўқитсангиз, эртага у ўқитувчи бўлиб ишлайди, оила бюджетига ҳам, болалари тарбиясига ҳам фойдаси тегади, дедим.

Маҳалла мутасаддиларининг тушунтиришларидан сўнг Мастура ая қилган ишидан пушаймон бўлди. Ўғлининг бир неча кундан буён яширинча хотини билан телефонда гаплашаётганини ҳам биларди. Ҳатто қуда тараф шартнома пулини ўзлари тўламоқчи эканини ҳам эшитганди.

— Келинни идорага чақиртирдик, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Жайноқова. — Онаси билан бирга келишди. «Қизимизни бермаймиз, ўқиши тугасин, десак ҳам шартнома пулини ўзимиз тўлаймиз, деб ваъда қилиб олишганди. Шартнома учун йиққан пулларимизга сеп қилдик. Бундан ташқари, тўйнинг харажатига ҳам озмунча пул кетмади», деди. У кишига шунча кундан буён қизини олиб ўтириб, ёшлар орасига совуқчилик тушираётганини айтдик. Келинга эса битта гап учун аразлаб кетиш яхши оқибатга олиб келмаслигини, талабаларнинг шартнома пулини тўлашига ёрдам бериш мақсадида давлатимиз томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётганини тушунтирдик.

Йиғин фаолларининг саъй-ҳаракати билан келин уйига қайтди. Мастура аянинг хонадонида ҳам хотиржамлик бошланди.

— Маҳалламизда икки мингта яқин хотин-қиз истиқомат қилади, — дейди Х.Охунова. — Улар билан доимо биргаликда иш олиб борамиз. Ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатлари, айрим оилалардаги нотинчликнинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил этиб, уларни бартараф қилишга оид чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Муаммоларга кайвони онахонларимизнинг маслаҳатига суяниб, ечим топяпмиз. Шунингдек, «Ота-оналар университети»нинг фаолияти самарали йўлга қўйилган. Чунки халқимизнинг азалий қадриятларини улар теран англайдилар. Ҳаётнинг аччиқ-чучук синовларини татиб кўрган кишилар айтган сўзнинг салмоғи ҳам, таъсири ҳам катта бўлади.

Комиссияга маҳаллада ҳамма ҳурмат қиладиган, сўзини ўтказа оладиган кишилар аъзо қилиб олинган. Маҳаллада қайнона-келин муносабатлари, фарзандлар тарбияси, она ва бола саломатлиги каби турли мавзуларда уюштирилаётган давра суҳбатлари ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, хонадонларнинг, маҳалланинг осойишталигида Хотин-қизлар комиссиясининг фаолияти алоҳида аҳамиятга моликдир.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ТИББИЁТ

# Саломатлик ҳафталиклари

**Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан барча туман ва шаҳарларда «Саломатлик ҳафталиги» тадбирлари ўтказилмоқда.**

Мазкур тадбирлар доирасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари ҳамда Она ва бола скрининг маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳудудий бўлимлари шифокорларидан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Ана шундай текширувлар Балиқчи туманидаги қишлоқ врачлик пунктларида ҳам юқори савияда ташкил этилди.

— Туманимиздаги туғиш ёшидаги аёллар ҳамда болалар сифатли тиббий кўрикдан ўтказилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Абдураҳим Турғунов. — Кўрик жараёнида турли касалликлар аниқланган фуқароларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Ҳафталик давомида малакали мутахассислар томонидан оилаларда тиббий маданиятни ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# ЁТ ҒОЯЛАРГА ЯШИРИНГАН ҒАРАЗ

## ёхуд миссионерлик ва прозелитизм моҳияти нимада?

**Миссионерлик диний ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик сингари глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур иллатта қарши курашиш кўплаб мамлакатларда долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.**

Миссионерлик ҳаракати айрим давлатлардаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиб, нафақат инсонларнинг эътиқодига, балки турли дин, миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигига рахна солувчи омил сифатида низоларга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда «миссионерлик» сўзининг луғавий маъносига тўхталсак. Лотинча «миссио» сўзи тилимизда «вазифа», «топшириқ», «юксак бурч» деган маъноларни билдиради. Миссионерлик эса, бошқа динга эътиқод қилувчилар орасида ўзининг диний қарашларини тарғиб этишни англатади. Унинг таркибий қисми ҳисобланган прозелитизм юнон тилидаги «proselitizm» сўзидан олинган. Лафзимизда «келгинди, бир жойдан бошқа жойга кўчувчи», «ўзининг диний эътиқодидан бошқасига ўтувчи» деган маъноларни, шунингдек, «тўғридан-тўғри бирор-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш»ни билдиради.

Бундай ҳаракатлар замирида ўзга мамлакатларнинг давлат суверенитетига, конституциявий тузумига нисбатан амалга оширилаётган сиёсий босим ва тажовузларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ётади. Бошқача айтганда, улар тимсолида маънавий-маданий қадриятлар ҳамда диний воситалар орқали бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашувни кўриш мумкин. Бу иллатлар айрим давлатлардаги нотинч вазиятлардан фойдаланиб, айирмачилик(сепаратизм), ғайриинсоний тамойилларни амалга ошириш орқали жамиятда парокандаликни келтириб чиқаришни назарда тутади.

Баъзи ғарб давлатларида миссионерлик фаолиятини такомиллаштириш мақсадида миссиология таълими асосида фаолият олиб бораётган бир нечта университетлар мавжуд. Уларда христиан миссионерлиги жараёнида миссия ва миссионерлик билан бир қаторда башорат каби тушунчаларни ҳам қўллашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, «Иегова гувоҳлари» сектаси барқарорликка путур етказиш мақсадида инсониятни доимо таҳликага солишга ҳаракат қилиб келади. Масалан, секта раҳбарияти ўз аъзоларига бир неча бор, аниқроғи, 1914, 1918, 1925, 1941, 1975, 1989, 2012 (21 декабрда) йилларда қиёмат қойим бўлишини алоҳида таъкидлаган.

Бевосита йўналтирилаётган «хайрия» маблағлари асосида ташкил этилган диний жамоаларнинг фаолиятига эътибор қаратилса, улар кейинги вақтларда ўз дастурлари доирасидан четга чиқишга интилаётганини ҳамда аниқ сиёсий мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётгани намоён бўлмоқда. Диний жамоалар ўзга мамлакатлардаги фаолияти жараёнида хориждан йўналтирилган молиявий кўмак асосида давлатларнинг ички сиёсатига бевосита таъсир ўтказиш орқали ушбу ҳудудларда ўз манфаатларига мос сиёсий вазиятни вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунга Украина, Грузия ва Қирғизистон каби давлатларда рўй берган воқеаларни мисол келтиришимиз мумкин. Хусусан, Украинада ташкил этилган «Худо элчихонаси» деб номланган секта сайлов жараёнларида жуда фаол ҳаракат қилгани бунга мисолдир.

Миссионерлик ва прозелитизм шахснинг интеллектуал таназзули, ўзгалар иродасига кўр-кўрона бўйсунишини ҳамда индивидуаллигининг йўқолиб, ўзга мазмун билан тўлдирилишига олиб келади. Бундан ташқари, жамиятни қолоқликка судраб, унга жиддий маънавий ва моддий зарар етказади.

«Иегова гувоҳлари» сектаси 1931 йилда «Библия тадқиқотчилари» номи остида АҚШ ҳукумати томонидан диний ташкилот эмас, балки нашриёт сифатида рўйхатга олинган. Ушбу секта протестант йўналишининг диний ташкилоти мақоми остида фаолият олиб борса-да, христианликнинг парахристиан ва псевдохристиан йўналишларига мансуб. Секта «Библия тадқиқотчилари» ҳаракати натижасида вужудга келган.

Таълимотларини дунёнинг турли бурчакларида яшовчи аҳоли вакилларига етказиш мақсадида иеговачилар ана шу халқларнинг маданияти, маънавияти, қадриятлари ва урф-одатларини ўрганиб, уларнинг тилида адабиётлар чоп этишга эътибор қаратишади. Ташкилот томонидан «Теократик ибодат мактаби» ташкил этилган. Унинг мажлисларида барча аъзолар жамият таълимоти воизлиги асосларидан таҳсил олишади. XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, сиёсий вазиятнинг ўзгариши оқибатида, уларнинг Шарқий Европа, собиқ Иттифоқ, Лотин Америкаси, Африка мамлакатларида очиқ-ойдин фаолият юритишига имкон туғилди.

«Иегова гувоҳлари» сектаси миссионерлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратади. Таълимотга кўра, ҳар бир аъзо ойига 10 соатдан 150 соатгача ўз вақтини миссионерлик фаолиятига сарфлаши талаб этилади. Ана шунга қараб уларнинг аъзоларининг ташкилот иерархия(мансаб пағона)сига кўтарилиши таъминланади. Ташкилот аъзолари, асосан, фуқароларнинг уйларига бевосита ташриф буюриб, ўз ғоялари акс этган журнал ва адабиётлар тарқатишади, издошларини кўпайтириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришади. Ҳозирда иеговачи миссионерларнинг умумий сони 700 мингдан ошиб кетган. Нью-Йорк шаҳрида «Галаад» миссионерлар тайёрлаш марказида жорий этилган 5 ойлик ўқув курсларида дунё миқёсида ташриф буюрган миссионерлар секта таълимотлари асосида таҳсил олишади. Секта дунё бўйича 115 та минтақавий ваколатхонасига эга.

«Иегова гувоҳлари» ўз таълимотини ёйиш мақсадида турли адабиётлар чоп этади. «Сторожевая башня» («Қўриқчи минораси») журнали ҳар ойда 2 маротаба 125 тилда 22 миллиондан ортиқ нусхада, «Пробудитесь!» («Уйғонинглар!») журнали эса, ойига 1 маротаба 81 тилда 20 миллион ададда босилади. Миссионерлик фаолиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш учун йилига 100 миллион АҚШ доллари сарфланаётир.

Таҳлилларга кўра, дунёнинг 30 та мамлакатида мазкур сектанинг фаолият олиб бориши тақиқланган. Хитой, Шимолий Корея, Туркманистон, Тожикистон, Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ ва бошқа давлатлар шулар жумласидандир. Айтиш жоизки, христианликнинг Католик ва Провослав йўналиши вакиллари «Иегова гувоҳлари»нинг христианликка мутлақо алоқаси йўқлигини, давлат ва жамият манфаатларига путур етказаётганини таъкидлаб, секта томонидан нашр этиладиган «Сторожевая башня» журналини экстремистик нашрлар қаторида эътироф этишган.

«Иегова гувоҳлари» сектаси 2006 йилдан бошлаб Санкт-Петербург шаҳрида ўзбек тилида диний адабиётлар чоп этишни йўлга қўйган. Уларни юртимиз ҳудудига қўшни давлатлар орқали олиб киришга бўлган уринишларининг олди олинмоқда. Шунингдек, давлат ва жамият манфаатларига зид равишда секта аъзолари ўз таълимотларини хонадонларда тарғиб-ташвиқ қилгани, бундай ёт оқимга аъзо бўлган айрим ёшларнинг ҳарбий хизматдан бош тортиши ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Ҳолбуки, Бош Қомусимизнинг 52-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Сохта таълимотларда давлат байрамлари ва рамзларини тан олмаслик, сайлов жараёнларида иштирок этмаслик, давлат вазифаларига қасамёд қилиш рад этилади. Иеговачилар бошқа динга эътиқод қилувчи инсонларнинг диний маросимларида қатнашмаслик, бемор ҳаётини сақлашда унга қон қуйиш лозим бўлганида бунга қатъиян қаршилик кўрсатишни талаб этишади. Бундай оқимга аъзо бўлган маҳаллий кишиларни дафн этишда муаммолар юзага келишини ҳам унутмаслик лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, дунё миқёсидаги тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга интилаётган ҳар қандай ғоявий ёт оқимлар таъсиридан огоҳ бўлиш, уларга қарши курашиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Мансур МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
тадқиқотчиси.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

# МАҲАЛЛАНИНГ БОЛАЛАРИ ЧЕМПИОНЛИК ОРЗУСИДА



**Ўзбек боласини «полвоним» деб эркалайди. Бу сўзни эшитиб улғайган ўғлон, албатта, шунга мос бўлишга ҳаракат қилади, кичкиналигиданоқ бел олишиб, кураш туша бошлайди. Ҳеч эътибор берганмисиз, икки тенгдош бола бирга бўлиб қолса, албатта, бел олишиб кўришади.**

Яккабоғ туманининг Чинорли қишлоғида спорт мажмуаси қурилди-ю, қарияларнинг таъбири билан айтганда, ёшларнинг куни туғди. Кўчада бирорта бекор юрган бола қолмади. Улар қўли сал ишдан бўшаши билан спорт мажуасига югурадиган бўлди. Мактаб ўқувчиларини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Қайси боладан сўраманг, «чемпион» бўламан дейди. Энди уларни спорт мажмуасидан кеткизиб кўринг-чи?! Нақ балога қоласиз. Ҳеч бўлмаганда, отасини ёки бувасини бошлаб келади. Улар эса «Нима, менинг боламдан чемпион чиқмайди, деб ўйлаяпсизми?», дея астойдил хафа бўлишади.

Мажуада кураш, бокс, футбол, волейбол, мини футбол, теннис тўгараклари мавжуд бўлиб, уларга болалар катта қизиқиш билан иштирок этишаяпти. Айни пайтда спортчи ёшларнинг сони 200 нафардан ошиб кетди. Айниқса, янгидан йўлга қўйилган бадиий гимнастика тўгарагига қизиқувчилар сони кундан-кун ошиб бормоқда.

— Дастлаб бироз иккиланган эдик, — дейди бадиий гимнастика бўйича мураббий Мафтуна Холматова. — Қишлоқ шароити бўлса, ота-оналар қизларига бадиий гимнастика билан шуғулланишига рухсат беришадими, йўқми, деб ўйладик. Аммо хавотиримиз ноўрин бўлиб чиқди. Ота-оналарнинг ўзлари қизларини бошлаб келишяпти.

Айни пайтда тўгаракка 40 нафардан зиёд қиз қатнаб, спортнинг бу нафис турининг сирларини қунт билан ўзлаштиряпти. Гимнастикачи қизлар орасида 3 ёшлилардан тортиб, 15-16 ёшлиларгача бор.

— Бадиий гимнастика қоматни чиройли қилади, тик, мағрур юришни ўргатади. Шу билан бирга, ақлни ҳам чархлайди, — дейди спортчи қиз Гулнора Қобилова. — Гарчи чемпионликка даъвогар бўлмасам-да, спортнинг теннис, волейбол турларига ҳам қизиқаман. Мендан кўриб, маҳалламиздаги дугоналарим ҳам бадиий гимнастика тўгарагига қатнай бошлашди.

Шунингдек, кураш тўгарагининг ҳам ишқибозлари кўп. Улар орасида жуссаси кичкина бўлса-да, ҳаракатлари чаққон бола эътиборимизни тортди. Бу бола маҳаллалар ўртасида ўтказилган мусобақада биринчиликни қўлга киритиб, чемпион бўлган 5 ёшли Бобуржон Абдисодиқов экан. Унинг ўзини тутиши, машқ ва усулларни маҳорат билан бажаришга интилиши кишини завқлантиради.

— Ҳозирда бу ерда элликка яқин спортчи кураш сирларини ўрганяпти, — дейди мажмуа директори Ҳабибулла Турдиев. — Улардаги ҳавас, спортга меҳр бизни ҳам бефарқ қолдирмайди, изланишга ундайди. Бошқа спорт мажмуалари ва мактаблардаги курашчилар билан беллашувлар ташкил этамиз. Ички мусобақалар ҳам ўтказиб турамиз. Бу эса, болаларнинг ўзига бўлган ишончи ортишига ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, Ибн Сино номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «Олмазор» спорт мажмуаси бугунги кунда ёшлар ҳавас билан интилиб борадиган манзилга айланди.

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида спортни оммалаштиришга, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли «Олмазор» спорт мажмуасига ўхшаш, ёшларни қамраб олган мажмуалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина ўтган йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 10 та маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий спорт мажмуалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ҳомийлар ва тадбиркорларнинг кўмаги билан яна бир қатор спорт иншоотлари ишга туширилди. Қарши шаҳрининг ўзида қарийб 5 миллиард сўмлик қийматга эга 21 та болалар спорт ва ўйин майдончалари ёш авлод хизматида. Шунингдек, жамғарма томонидан спорт жиҳозлари ва анжомлари учун 461 миллион сўм ажратилди.

Албатта, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишида спортнинг ўрни катта. Шу боис, юртимизда болалар спортини ривожланиши, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Болалар спортини ривожлантирмасдан туриб, ўзбек спортининг келажагини таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкин эмас».

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

# ҲАЛОЛЛИК САБОҒИ

**— Мана, ҳаромнинг оқибати. Сенга айтгандим, қилма шу ишни деб. Билганингдан қолмадинг. Хўш, нима бўлди? Қилган ҳамма меҳнатинг зое кетди. Ҳалол молингга ҳаромни едириб ундан ҳам айрилдинг.**

Тўхта ота ҳали остонадан киритилмай туриб чил-чил бўлган телевизорга ичи ачиб, ўғлини маломат қиларди.

...Ўшанда кузнинг салқин туни эди. Уйқуси қочган отахон одатига кўра ҳовли этагидаги айвонда боғлиқ молҳолдан хабар олди. Шу кунларда болалаши кутилаётган ола тарғилнинг бемалол кавш қайтариб ётганини кўргач, хотиржам ортга қайтди. Шунда ҳув нарёгдан, сайисхона орқасидаги пайкал томондан оёқ товуши эшитилди. «Ярим тунда далада юрган ким экан?» Тўхта ота ўзини кекса тут панасига олиб, бирпас атрофни кузатди. Айтиб бўладими, балки қишлоққа ўғри оралагандир? Шунда елкасига оғир қоп ортиб олган шарпа кўринди. Э, ахир, бу ўзининг ўғли, Қосими-ку. Аммо ўғли бемаҳалда нима орқалаб юрибди?

Тўхта ота тут панасидан чиқаркан ўғлини чўчитиб юбормаслик учун томоқ қириб йўталган бўлди.

— Ҳа, тинчликми? Нима кўтариб юрибсан?

— Ўзим, шунчаки... — кутилмаганда отасининг пайдо бўлишидан безовталаниб талмовсиради Қосим.

Ота яқин бориб қопнинг оғзини очди.

— Ие, бу кўрак-ку(бу томонларда ғўзанинг кўсагини шундай аташади)!

— ...

— Буни нима қилмоқчисан? — ота ўғлининг ниятини пайқаган бўлса-да, уни атай саволга тутди.

— Сўқимга... — деди зўрға чайналиб Қосим. У боқиш учун оғилга ҳўкиз боғлаганига икки-уч ой бўлганди.

— Сўқимни боққани ем қолмадими? Келиб-келиб ўзинг йил бўйи тер тўкиб етиштирган ҳосилни молингга раво кўряпсанми? Ахир, бу нон-ку, нон! Уволидан қўрқмайсанми?..

Ўғил ерга қараб жим қолди.

Қосим шундоққина ҳовлисига туташ фермер хўжалигида ишлайди. Йил бўйи бош кўтармай пайкалда чопиқ қилди, гўнг ташиди, сув таради. Хирмон кўтарилаётган бир паллада қилиб турган бу иши...

Ота қўл силкиб нари кетди. Ўғил эса тоғорани кўсакка тўлатиб охурга солди. Ёғ битиб семириб қолган ҳўкиз мазали емишни иштаҳа билан паққос туширди.

Гарчи отасининг гаплари юрагини ўртаса-да, Қосим билганидан қолмади. У қилаётган иши нотўғрилигини, ҳатто қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини ҳам яхши биларди. Аммо хатти-ҳаракатини оқлашга ўзича асоси ҳам бор эди. Шу боис, ҳар тун кўсак юлишни канда қилмади.

Пахта мавсуми поёнига етди. Хўжалик режани ошиғи билан бажарди. Қосим боғлаган ҳўкиз ҳам етилиб семирди, пичоққа келди. Жониворнинг гўшти мўлжалдан зиёд тош босди. Қосим яхшигина даромадли бўлди. Энди орзусидаги буюмни олишга бемалол қурби етади. Эр-хотин маслаҳатлашиб, туман марказига тушишди. Электр жиҳозлари дўконидан катта экранли телевизор харид қилишди.

— Буни Эл-си-ди дейишади, хотин, — аёлига тушунтирган бўлди хурсандлигидан оғзи қулоғига етган Қосим. — Энди Янги йил байрамини янги телевизор олдида ёнбошла-аб нишонлаймиз!

Эр-хотин хариддан сўнг бозор биқинидаги ошхонада кабобхўрлик қилишди. Қосим янги буюмни ювиш баҳонасида зормандадан қиттай отиб ҳам олди. Энди йўлга чиқишса ҳам бўлади. Йўловчи машинада уйларига етиб келишгач, телевизорни авайлаб туширишди. Қосим хотини билан катта қоғоз қутидаги буюмни дарвозадан киритмоқчи бўлганида, кўзи олди тиндими ва ё ичкилик таъсиридами, чайқалиб кетди. Шунда... қути қўлидан чиқиб кетиб бетон супага урилди. Уни тутиб қололмаган хотини ҳаяжон ва қўрқувдан дир-дир титрарди.

Қосимнинг рангида ранг қолмаганди. Кўнглига қоронғулик инди. Туси гезариб, алам билан қутини очди. Не кўз билан кўрсинки, кўнглидан кечган хавотир тўғри бўлиб чиқди: қутида экраннинг синиқ ойналари уюлиб ётарди. Дарвоза яқинидаги курси-кундада ўтирганча уларни кузатиб турган Тўхта бобо бошини сарак-сарак қилди. Чол соқолини силаганча синган буюмга, ўғли, келини ва невараларининг меҳнатига ачинарди. У ўғлини бир муддат маломат қилгач, кейин унга таскин-тасалли берди:

— Қўй энди, бўлар иш бўлди, ортиқча куюнма, — деди ва донишмандлик билан қўшиб қўйди: — Келган бало шунга урсин.

Қосимнинг юраги увишди, меҳнатлари зое кетганидан кўнгли ўксиди. Хотини эса ундан баттар тушкунликка тушганди. Шунча пулга дунёнинг кийим-кечагини, қолин-гиламини харид қилиши мумкинлигини ўйлаб кўзига ёш қалқиди.

Аммо орадан уч кун ўтиб қизиқ иш бўлди. Рустам фермер икки ёрдамчиси билан дарвозадан кириб келди.

— Қосимбой ука, қилган меҳнатларингга рози бўл. Оиланг билан йил бўйи яхши ишладинг. Режаларимизни бажариб, юзимиз ёруғ бўлди, — деди у ва йигитларнинг қўлидаги қутига ишора қилиб давом этди: — Мана бу хўжалигимиздан сенга совға.

Қосим яқиндагина қўлидан тушириб синдирган улкан телевизор расми акс этган қутини кўриб кўзлари ёшланди. «Раҳмат, ака! Раҳмат!» дейишдан нарига ўтолмади...

Н.АСЛОН.

ТАДБИР

# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА



**Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Фирдавсий номидаги маҳаллада Обод турмуш йилига бағишлаб, «Кўнгилнинг ободлиги — обод турмуш демакдир», деб номланган маънавий-маърифий кеча ўтказилди.**

Тадбир Юнусобод тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамда А.Қодирий номидаги маданият уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда тумандаги Фирдавсий, «Хиёбонтепа», «Минг-Ўрик», «Обод», «Оққўрғон» ҳамда «Посира» маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ва фаоллари қатнашди.

— Ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни йил давомида ўтказиб боришни режалаштирганмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод туман бўлинмаси бош мутахассиси Ғ.Чўлиев. — Бир пиёла чой устида ташкил этиладиган бундай мулоқотлар бир-бирига қўшни, девор-дармиён, қудаанда бўлиб яшаётган маҳаллалардаги илғор тажрибаларни ўрганиш, ҳудуд ривожи учун ҳамкорликда иш олиб бориш, турли масалаларда фикр алмашиш, қолаверса, маънавий ҳордиқ чиқариш имконини яратиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ф.ЭГАМОВА
«Mahalla»


ASAKA BANK

**«АСАКА» ДАВЛАТ — АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)**

2013 йил республикамизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида

**«ЁШ ТАДБИРКОР ЛОЙИҲАСИ»**

танловини эълон қилади!

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари:

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Танлов иштирокчиси:** | Тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда таълим муассасасини битирганига 3 йилдан ошмаган таълим муассасалари битирувчилари ҳамда мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида камида 3 та коллеж битирувчилари учун янги иш ўрни ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари; |
| 2. | **Лойиҳани амалга ошириш муддати:** | 3 йилгача |
| 3. | **Лойиҳага қўйилган асосий шартлар:** | — лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари билан иштироки — лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда; — лойиҳа ташаббускорига ажратиладиган кредит миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача; — банк талабларига жавоб берадиган ҳар қандай ликвид таъминот турлари, жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинадиган асбоб-ускуналар, кредит суммасининг 125 фоиз кам бўлмаган миқдорда. **Амалга ошириладиган соҳа:** — ишлаб чиқариш соҳасида, лойиҳа бўйича камида 3 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 50 млн. сўмдан кам бўлмаслик; — хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳа бўйича — камида 2 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 30 млн. сўмдан кам бўлмаслик; — лойиҳалар асосан, чакана савдо, ҳунармандчилик фаолияти, касаначилик, маиший хизмат (сартарошлик, мебелни йиғиш ва таъмирлащ ва бошқалар), санитария-техника хизмати, металл ва пластмассадан ясалган буюмлар тайёрлашга, миллий матоларни қўлда тўқишга, якка тартибда кийим-пойабзал тикиш ва таъмирлашга, тиббий хизматлар кўрсатишга, ветеринария хизмати, автомобиллар ва маиший техникаларни таъмирлаш устахоналари, стоматология хоналари ташкил этиш ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда янги хизмат турларини жорий этишга йўналтирилган бўлиши керак. |
| 4. | **Лойиҳани баҳолаш мезонлари:** | Янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини жорий этиш, шунингдек, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган, лойиҳалар устувор имкониятга эга бўлади. |
| 5. | **Танлов ғолибларига имтиёзлар:** | Лойиҳани молиялаштириш учун кредит фоизи имтиёзли ва қимматбаҳо совғалар. |
| 6. | **Лойиҳани тақдим этиш:** | «Асака» банкнинг жойлардаги барча филиалларига |
| 7. | **Ҳужжатларни тақдим этиш муддати:** | 2013 йил 20 мартга қадар |
| 8. | **Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати:** | 2013 йил 1 апрелгача |

**«Асака» банк — Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

| Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: | Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон филиали | 8-361-223-72-59 | Сирдарё вилояти филиали | 8-367-225-28-61 |
| Андижон вилояти филиали | 8-374-224-56-98 | Тошкент вилояти филиали | 8-371-120-84-04 |
| Асака филиали | 8-374-233-15-32 | Фарғона вилояти филиали | 8-373-224-72-14 |
| Фарҳод филиали | 8-374-226-96-93 | Марғилон филиали | 8-373-237-60-71 |
| Бухоро вилояти филиали | 8-365-223-11-15 | Олтиариқ филиали | 8-373-432-19-80 |
| Бухоро шаҳри филиали | 8-365-770-10-30 | Қўқон филиали | 8-373-552-61-01 |
| Қашқадарё вилояти филиали | 8-375-221-15-38 | Хоразм вилояти филиали | 8-362-226-96-03 |
| Навоий вилояти филиали | 8-436-770-21-28 | Тошкент шаҳри филиали | 8-371-120-83-00 |
| Зарафшон филиали | 8-436-573-18-80 | Автотранспорт филиали | 8-371-120-39-01 |
| Наманган вилояти филиали | 8-369-226-91-45 | Шайхонтоҳур филиали | 8-371-140-39-04 |
| Самарқанд вилояти филиали | 8-366-233-63-82 | Юнусобод филиали | 8-371-221-80-67 |
| Афросиёб филиали | 8-366-221-72-68 | Сирғали филиали | 8-371-257-44-10 |
| Сурхондарё вилояти филиали | 8-376-770-82-20 | Жиззах вилояти филиали | 8-372-226-34-90 |


СПОРТ ХАБАРЛАРИ

## Бокс

**Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон боксчилари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.**

Мазкур турнирда бокс бўйича дунё рейтингида юқори ўринларда бораётган терма жамоалардан ўн нафардан боксчи рингга чиқди. Мусобақада ҳамюртларимиз Украина ва Озарбойжон вакилларини бир хил – 8:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.



## Футбол

**Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси кубоги мусобақаси «Олмалиқ» жамоасининг ғалабаси билан якунланди.**

«А» гуруҳидаги барча учрашувларда ғалаба қозониб, ярим финалда андижонлик футболчиларни 5:2 ҳисобида енгган «Олмалиқ» жамоаси финалда Тошкентнинг «Пахтакор-2» клубини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.

«Mahalla» газетаси жамоаси таҳририятнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими мудири Толибжон Низомовга опаси
**Ноила НИЗОМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ф.Эгамова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23841 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6466 Топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 23.00